

## **“РҮЙХАТГА ОЛИНГАН”**

Ўзбекистон Республикаси  
Адлия вазирлиги  
Самарқанд вилоят Адлия бошқармаси  
томонидан  
2014 йил “\_\_\_\_\_”  
№\_\_\_\_\_ - рақам билан

## **“ТАСДИҚЛАНГАН”**

Самарқанд вилоят “Пахтасаноат”  
худудий очик акциядорлик  
бирлашмаси акциядорларининг  
2014 йил 21 июндаги умумий  
йиғилишида

# **“Samarqandpaxtasanoat” hududiy aksiyadorlik birlashmasi**

## **УСТАВИ**

**Самарқанд шаҳри – 2014 й.**

## 1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 11 июнданги ПФ2874-сонли “Республика пахта тозалаш саноатини монополиядан чиқариш ва бошқаришини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 12 июнданги 252- сонли “Республика пахта тозалаш саноатини бошқариш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори асосида “Ўзпахтасаноат” уюшмаси тизимида Samarqand viloyat “Paxtasanoat” hududiy ochiq aksiyadorlik birlashmasi ташкил этилган.

Бирлашма акциядорларининг 2014 йил 21 июнданги умумий йиғилишида бирлашманинг фирма номи Samarqand viloyat “Paxtasanoat” hududiy ochiq aksiyadorlik birlashmasiдан “Samarqandpaxtasanoat” hududiy aksiyadorlik birlashmasi номига ўзгартирилди.

Ушбу Устав Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа амалдаги қонун хужжатлари асосида ишлаб чиқилган.

1.2. “Samarqandpaxtasanoat” hududiy aksiyadorlik birlashmasi (матн давомида – Бирлашма) ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролик” Кодекси, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни (06.05.2014 й. ЎРҚ-370-сон) (матн давомида – Қонун) ва бошқа меъёрий-хукуқий хужжатларга мувофиқ олиб боради.

1.3. Бирлашма фаолият кўрсатиш муддати чекланмаган муддатга ташкил этилган.

1.4. Бирлашманинг жойлашган ери (почта манзили): Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри, Мирзо Улугбек қўчаси, 50- уй. Индекс: 140120.

1.5. Бирлашманинг электрон почта манзили (E-mail): [ikt@sampaxta.uz](mailto:ikt@sampaxta.uz).

Бирлашманинг расмий веб-сайти: [www.sampaxta.uz](http://www.sampaxta.uz)

1.6. Бирлашманинг тўлиқ фирма номи:

### Ўзбек тилида:

- кирилл алифбосида – “Самарқандпахтасаноат” худудий акциядорлик бирлашмаси.
- лотин алифбосида – “Samarqandpaxtasanoat” hududiy aksiyadorlik birlashmasi.

### Рус тилида:

- территориальное акционерное объединение «Самарканпахтасаноат».

Бирлашманинг кисқартирилган фирма номи:

### Ўзбек тилида:

- кирилл алифбосида – “Самарқандпахтасаноат” ҲАБ.
- лотин алифбосида – “Samarqandpaxtasanoat” НАВ.

### Рус тилида:

- ТАО «Самарканпахтасаноат».

## 2. ФАОЛИЯТИНИНГ СОҲАСИ (АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ) ВА МАҚСАДИ

2.1. Бирлашма тижорат ташкилоти бўлиб, унинг асосий мақсади молиявий-хўжалик фаолиятидан фойда олишdir.

2.2. Бирлашма Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 12 июнданги 252- сонли “Республика пахта тозалаш саноатини бошқариш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ ўз тизими таркибига кирувчи пахта тозалаш корхоналарининг (шунингдек тизимдаги бошқа корхоналарнинг) ишлаб чиқариш, молиявий-хўжалик фаолиятини мувофиқлаштириш, уларнинг самарали ишлашларини ташкил этиш ва назорат қилиш билан шуғулланади.

2.3. Бирлашма мақсад ва вазифаларга эришиш учун қуйидаги фаолият турларини амалга оширади:

- хизмат кўрсатувчи банклар иштирокида пахта заводлари орқали пахта хом ашёсини харид қилиш ва қайта ишлаш юзасидан пахта етиштирувчи қишлоқ хўжалиги корхоналари ва фермер хўжаликлари билан контрактация шартномалари тузиш, шунингдек пахтани қайта ишлаш маҳсулотларини экспортга ва ички бозорга етказиб бериш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг

ташқи савдо компаниялари ва мамлакатимиздаги истеъмолчилар билан шартномалар тузиш;

- пахта хомашёси харид қилиш ва қайта ишлаш бозор механизмларини ривожлантириш, жаҳон бозорида рақобатга бардошли юқори сифатли пахта маҳсулотлари ишлаб чиқаришдан қишлоқ хўжалиги ва пахта тозалаш корхоналарининг иқтисодий манфаатдорлигини кучайтириш;
- тузилган контрактация шартномаларига мувофиқ пахта хомашёси харид қилиш ва уни ўз вақтида қайта ишлашни ҳамда пахта маҳсулотини экспортга ва ички бозорга етказиб беришни ташкил этиш;
- пахта етиширувчи хўжаликларни пахтанинг жаҳон бозорида харидоргир бўлган селекция навларининг юқори кондицияли уруғлик чигитлари билан таъминлаган ҳолда уруғлик пахта хомашёсининг сифатли қабул қилиниши, сақланиши ва қайта ишланишини ташкил этиш;
- пахта хомашёсини харид қилиш, пахта толаси ва бошқа пахта маҳсулотлари ишлаб чиқариш, истеъмолчиларга жўнатиш ва шу маҳсулотларининг қолдиқлари бўйича ҳисоб-китоб ва ҳисобот юритиш, пахта хомашёси харид қилиш, пахта маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмлари, уни экспортга ва республика истеъмолчиларига сотиш бўйича маълумотларнинг ишончлилигини таъминлаш;
- пахта тозалаш корхоналарини техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва замонавийлаштириш бўйича ягона сиёsatни амалга ошириш, чет эл инвестицияларини жалб этиш ва пахта тозалаш корхоналарини ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш;
- ўз ваколатлари доирасида ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа фаолиятни амалга ошириш;

2.4. Бирлашма фаолияти юқорида белгиланган фаолият турлари билан чегараланмайди. Бирлашма амалдаги қонунчилик ва мазкур Уставга зид бўлмаган фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиши мумкин.

2.5. Бирлашманинг хўжалик ва бошқа фаолиятига давлат ва бошқа ташкилотлар томонидан аралашувига йўл қўйилмайди, агар бу Бирлашма фаолиятини белгиланган тартибда назорат қилиш ҳуқуқи билан боғлиқ бўлмаса.

### **3. БИРЛАШМА УСТАВ ФОНДИ (УСТАВ КАПИТАЛИ) МИҚДОРИ**

3.1. Бирлашманинг устав фонди акциядорлар олган Бирлашма акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади ва Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ифодаланади.

3.2. Бирлашма томонидан чиқариладиган барча акцияларнинг номинал қиймати бир хил бўлади.

3.3. Бирлашманинг устав фонди Бирлашма мол-мулкининг Бирлашма кредиторлари манфаатларини кафолатлайдиган энг кам миқдорини белгилайди.

3.4. Бирлашма устав фондининг миқдори 2 248 046 316 сўмни ташкил қиласи ва номинал қиймати 1 146 сўм бўлган 1 961 646 дона эгасининг номи ёзилган оддий акциялардан иборат.

3.5. Бирлашма Устав фонди куйидаги тартибда таксимланган:

Давлат улуши - 51% (эллик бир фоиз), 1 146 504 240 (бир миллиард бир юз кирк олти миллион беш юз турт минг икки юз кирк) сум ёки 1 000 440 (бир миллион турт юз кирк) дона оддий акция;

Юридик ва жисмоний шахслар улуши - 49% (кирк туккиз фоиз), 1 101 542 076 (бир миллиард бир юз бир миллион беш юз кирк икки минг етмиш олти) сум ёки 961 206 (туккиз юз олтмиш бир минг икки юз олти) дона оддий акция.

#### **а) Бирлашма устав фондини кўпайтириш.**

3.5. Бирлашма устав фонди акциялар номинал қийматини ошириш ёки қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

3.6. Бирлашма ўзи чиқараётган акцияларни амалдаги қонун ҳужжатлари талаблари асосида очиқ ёки ёпик обуна йўли билан жойлаштиришга ҳақли.

3.7. Бирлашма устав фондини акциялар номинал қийматини ошириш йўли билан кўпайтириш ва Бирлашма уставига тегишли ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги қарор Бирлашма кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.

3.8. Кўшимча акциялар Бирлашма томонидан уставда белгиланган эълон қилинган акциялар сони доирасидагина жойлаштирилиши мумкин.

3.9. Кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан Бирлашма устав фондини кўпайтириш тўғрисидаги қарор Бирлашма кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.

3.10. Бирлашма устав фондини ошириш мақсадида жойлаштирилган акцияларига кўшимча равища чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акциялари миқдори – 581 728 дона эгаси ёзилган нақдсиз (хужжатсиз) шаклидаги оддий акциялардан иборат.

## **6) Бирлашма устав фондини камайтириш.**

3.11. Бирлашма устав фонди акцияларнинг номинал қийматини ёки уларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан, акцияларнинг бир қисмини Бирлашманинг ўзи кейинчалик муомаладан чиқариш шарти билан сотиб олиши йўли билан камайтирилиши мумкин.

3.12. Агар устав фондини камайтириш натижасида унинг миқдори Бирлашманинг уставига киритилган тегишли ўзгартишларни рўйхатдан ўтказиш куни белгиланадиган Бирлашма устав фондининг энг кам миқдоридан қонун хужжатларида белгиланганидан камайиб кетадиган бўлса, Бирлашма устав фондини камайтиришга ҳақли эмас.

3.13. Устав фондини камайтириш ва Бирлашма уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарор акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

## **4. БИРЛАШМА АКЦИЯЛАРИНИНГ СОНИ, НОМИНАЛ ҚИЙМАТИ, ТУРЛАРИ (ОДДИЙ)**

4.1. Бирлашма акцияларининг сони 1 961 646 дона бўлиб, хар бирининг номинал қиймати 1 146 сўмдан иборат.

4.2. Бирлашманинг оддий акциялари овоз берувчи акциялар бўлиб, улар ўз эгасига дивидендлар олиш, Бирлашмани бошқаришда иштирок этиш хуқукини беради.

## **5. БИРЛАШМА АКЦИЯЛАРИНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ**

5.1. Бирлашма акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни очиқ ва ёпиқ обуна воситасида жойлаштиради.

5.2. Акцияларнинг очиқ обунаси фақат қимматли қоғозларнинг биржа бозорида ва уюшган биржадан ташқари бозорида ўтказилади.

5.3. Бирлашма томонидан акциялар ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни жойлаштириш (очиқ ёки ёпиқ обуна) усуллари Бирлашма акциядорлар умумий йиғилишининг қарори билан белгиланади.

5.4. Бирлашманинг кўшимча акциялари ва бошқа қимматли қоғозларини жойлаштириш чоғида уларга ҳақ тўлаш уларни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгиланганидан кам бўлмаган нарх бўйича амалга оширилади.

## **6. БИРЛАШМАНИНГ ЖОЙЛАШТИРИЛГАН АКЦИЯЛАРИГА ДИВИДЕНДЛАР ТЎЛАШ ТАРТИБИ**

6.1. Дивиденд Бирлашма соф фойдасининг акциядорлар ўртасида тақсимланадиган қисмидир.

6.2. Бирлашма акциялари бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлашга мажбур.

6.3. Акциядорлар умумий йиғилиши қарорига биноан дивиденд пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари билан тўланиши мумкин.

Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равища тақсимланади.

6.4. Бирлашма йилнинг хар чорагида, ярим йилда ёки йилига бир марта жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга (эълон қилишга) ҳақлидир.

6.5. Акциялар бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор Бирлашма кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳакида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисббот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан қабул қилинади. Дивидендларнинг миқдори Бирлашма кузатув кенгаши томонидан тавсия этилган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас. Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлаш бошланадиган ва тугалланадиган саналар кўрсатилади.

6.6. Дивидендлар Бирлашма тасарруфида қоладиган соф фойдадан ва (ёки) ўтган йилларнинг таҳсилланмаган фойдасидан тўланади.

Дивидендлар тўлаш муддати ва тартиби акциядорларнинг умумий йигилиши қарори билан белгиланади. Дивидендлар тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан 60 кундан кеч бўлмаслиги лозим.

6.7. Бирлашма:

- агар дивидендлар тўланадиган пайтда Бирлашмада банкротлик белгилари мавжуд бўлса ёки Бирлашмада шундай белгилар дивидендларни тўлаш натижасида пайдо бўлса;

- агар Бирлашма соф активларининг қиймати унинг устав фонди ва захира фонди суммасидан кам бўлса, акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳамда дивидендлар тўлашга ҳақли эмас.

6.8. Бирлашма дивидендлар миқдорини улардан ундириладиган соликларни инобатга олмаган ҳолда эълон қиласи.

6.9. Эгаси ёки эгасининг қонуний ҳуқуқий вориси ёхуд меросхўри томонидан уч йил ичида талаб қилиб олинмаган дивиденд акциядорларнинг умумий йигилиши қарорига кўра Бирлашма ихтиёрида қолади.

## 7. БИРЛАШМАНИНГ ЗАХИРА ФОНДИ

7.1. Бирлашма соф фойда ҳисобидан захира фонди ва Бирлашма фаолияти учун зарур бўлган бошқа фондларни тузиши мумкин.

7.2. Захира фонди Бирлашма устав фонди миқдорининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда тузилади.

7.3. Бирлашманинг захира фонди 7.2. бандда белгиланган миқдорга етгунига қадар ҳар или соф фойдадан 5% дан кам бўлмаган миқдорда мажбурий ажратмалар ўтказиш орқали ташкил этилади.

7.4. Агар захира фонди маблағларининг ҳаммаси ёки бир қисми сарфланган тақдирда мажбурий ажратмалар, захира фондининг 7.2.-бандда белгиланган миқдорга етгунига қадар, қайта амалга оширилади.

7.5. Бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, Бирлашманинг захира фонди Бирлашманинг зарарлари ўрнини қоплаш, Бирлашманинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва Бирлашманинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади.

Захира фондидан бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас.

## 8. БИРЛАШМА БОШҚАРУВ ТУЗИЛМАСИ

8.1. Бирлашманинг бошқарув органлари қуидагилардан иборат:

- Акциядорларнинг умумий йигилиши;
- Кузатув Кенгаши;
- Ижроия органи (Бошқарув).

## 9. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИГИЛИШИ

9.1. Акциядорларнинг умумий йигилиши Бирлашманинг юқори бошқарув органидир.

Акциядорларнинг умумий йигилиши ўз фаолиятини амалдаги қонун хужжатлари, мазкур Устав ва “Бирлашма акциядорларининг умумий йигилиши тўғрисида”ги Низомга асосан амалга оширади.

9.2. Акциядорларнинг умумий йиғилишини Бирлашма кузатув кенгашининг раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, Бирлашма кузатув кенгашининг аъзоларидан бири олиб боради.

9.3. Бирлашма ҳар йили акциядорларнинг умумий йиғилишини (акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини) ўтказиши шарт.

9.4. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади.

9.5. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлардир.

9.6. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуидагилар киради:

а) Бирлашма уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки Бирлашманинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш (Бирлашма уставига устав фондини акциялар номинал қўйматини ошириш йўли билан кўпайтириш билан боғлиқ тегишли ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш холлари бундан мустасно);

б) Бирлашмани қайта ташкил этиш;

в) Бирлашмани тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

г) Бирлашма кузатув кенгашининг ва миноритар акциядорлар қўмитасининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

д) эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

е) Бирлашманинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш;

ж) ўз акцияларини олиш;

з) Бирлашманинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;

и) аудиторлик текширувани ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган хақнинг энг кўп миқдорини белгилаш хақида қарор қабул қилиш;

к) Бирлашма тафтиш комиссиясининг аъзоларини (тафтишчисини) сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек тафтиш комиссияси (тафтишчи) тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

л) Бирлашманинг йиллик ҳисоботини тасдиқлаш;

м) Бирлашманинг фойда ва заарларини тақсимлаш;

н) Бирлашма кузатув кенгашининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан Бирлашмани бошқаришга доир қонун хужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан ҳисоботини эшитиш;

о) Бирлашма тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан Бирлашмани молия-хўжалик фаолиятини текшириш яқунлари бўйича ҳисобот ва хулосаларини эшитиш;

п) имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисида қонун хужжатларида назарда тутилган қарорни қабул қилиш;

р) акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;

с) акцияларни майдалаш ва йириклиштириш;

т) қонун хужжатларида белгиланган тартибда Бирлашма томонидан йирик битимлар ва Бирлашманинг аффилланган шахслари билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

у) амалдаги қонунчилик ва мазкур Уставда кўзда тутилган бошқа масалаларни ҳал этиш.

Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар Бирлашманинг Кузатув кенгаши ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас, Қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар Бирлашманинг ижроия органи ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

9.7. Акциядорларнинг умумий йиғилишида овозга қўйилган масалалар бўйича Бирлашманинг оддий акциялари эгалари бўлган акциядорлар овоз бериш ҳуқуқига эга бўладилар.

9.8. Овозга қўйилган масалалар бўйича акциядорлар умумий йиғилишининг қарори қонун хужжатларида белгиланган тартибда қабул қилинади.

9.9. Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритилмаган масалалар бўйича қарор қабул қилишга, шунингдек кун тартибига ўзгаришлар киритишга ҳақли эмас.

9.10. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш якунлари қонун хужжатларида ҳамда ушбу уставда назарда тутилган тартибга асосан

ушбу қарорлар қабул килинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай акциядорлар эътиборига етказилади.

9.11. Акциядорларнинг умумий йигилишида иштирок этиш ҳуқуқига акциядорларнинг умумий йигилиши ўтказиладиган санадан уч иш куни олдин шакллантирилган Бирлашма акциядорларининг реестрида қайд этилган акциядорлар эга бўлади.

9.12. Акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларнинг умумий йигилиши ўтказиладиган санадан камида етти кундан кечиктирмай, лекин узоги билан ўттиз кун олдин Бирлашманинг расмий веб-сайтида, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади.

9.13. Бирлашма овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) Бирлашманинг молия йили тугаганидан кейин ойдан кечиктирмай акциядорларнинг йиллик умумий йигилиши кун тартибида масалалар киритишга ҳамда Бирлашма кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) бу органнинг микдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишига ҳақли. Шунингдек, Акциядорлар (акциядор) Бирлашма кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) ўзлари кўрсатган номзодлар рўйхатига акциядорларнинг йиллик умумий йигилиши ўтказилиши тўғрисидаги хабар эълон қилинган санадан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай ўзгартишлар киритишга ҳақли.

9.14. Акциядорларнинг умумий йигилиши ўтказиладиган сана уни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан ўн кундан кам ва ўттиз кундан кўп этиб белгиланиши мумкин эмас.

9.15. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилиши Бирлашма кузатув кенгашининг қарорига кўра унинг ўз ташаббуси асосида, тафтиш комиссиясининг (тафтишчининг) ёзма талаби, шунингдек ёзма талаб тақдим этилган санада Бирлашма овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талаби асосида ўтказилади.

9.16. Агар акциядорларнинг умумий йигилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда Бирлашманинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами эллик фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йигилиши ваколатли (кворумга эга) бўлади.

9.17. Акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказиш учун кворум бўлмаса, акциядорларнинг такрорий умумий йигилишини ўтказиш санаси эълон қилинади. Акциядорларнинг такрорий умумий йигилишини ўтказишда кун тартибини ўзгартишишга йўл кўйилмайди.

9.18. Агар акциядорларнинг ўтказилмай қолган йигилиши ўрнига чақирилган такрорий умумий йигилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда Бирлашманинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами қирқ фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг такрорий умумий йигилиши ваколатли бўлади.

9.19. Акциядорларнинг умумий йигилишида овоз бериш «Бирлашманинг овоз берувчи битта акцияси — битта овоз» принципи бўйича амалга оширилади, Бирлашманинг кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш бўйича кумулятив овоз беришни ўтказиш ҳоллари бундан мустасно.

9.20. Акциядорларнинг умумий йигилишида кун тартиби масалалари бўйича овоз бериш овоз бериш бюллетенлари орқали амалга оширилади.

9.21. Овоз бериш якунлари бўйича саноқ комиссияси овоз бериш якунлари тўғрисида баённома тузади, баённома жумладан акциядорлар умумий йигилишининг кворуми мавжудлиги тўғрисидаги маълумотларни ҳам ўз ичига олади ва саноқ комиссиясининг аъзолари томонидан имзоланади.

9.22. Акциядорлар умумий йигилишининг баённомаси акциядорларнинг умумий йигилиши ёпилганидан кейин ўн кундан кечиктирмай икки нусхада тузилади. Ҳар иккала нусха ҳам умумий йигилишда раислик қилувчи ва умумий йигилиш котиби томонидан имзоланади.

## 10. БИРЛАШМА КУЗАТУВ КЕНГАШИ

10.1. Бирлашманинг кузатув кенгаши Бирлашма фаолиятига умумий раҳбарлик қиласи, ушбу Устав ва қонунчилик билан акциядорлар умумий йигилишининг мутлақ ваколатларига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

Бирлашма кузатув кенгаши ўз фаолиятини амалдаги қонун ҳужжатлари, мазкур Устав ва “Бирлашма кузатув кенгаши тұғрисида”ги Низомга асосан амалга оширади.

10.2. Бирлашма кузатув кенгашининг ваколатлари қуйидагилардан иборат:

- Бирлашма фаолиятининг устувор йұналишларини белгилаш;
- Бирлашма акциядорларининг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини қақириш, қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;
- акциядорлар умумий йиғилишининг күн тартибини тайёрлаш;
- акциядорларнинг умумий йиғилиши үтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;
- акциядорларнинг умумий йиғилиши үтказилиши ҳақида хабар қилиш учун Бирлашма акциядорлари реестрини шакллантириш санасини белгилаш;
- Бирлашма уставига үзгартыриш ва қўшимчалар киритиш ёки янги таҳрирдаги уставни тасдиқлаш тұғрисидаги масалаларни акциядорлар умумий йиғилишига киритиш (Бирлашма уставига устав фондини акциялар номинал қийматини ошириш йўли билан кўпайтириш билан боғлиқ тегишли үзгартышлар ва қўшимчалар киритиш ҳоллари бундан мустасно);
- мол-мulkнинг бозор қийматини белгилашни ташкил қилиш;
- Бирлашманинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш;
- йилнинг ҳар чораги якунлари бўйича ижроия органи ва ички аудит хизмати ҳисботларини эшлиш ҳамда унинг натижалари бўйича тегишли чора-тадбирлар белгилаш;
- ички аудит хизматини ташкил этиш, унинг ходимларини тайинлаш ва харажатларининг йиллик сметасини тасдиқлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисботларини эшлиб бориш;
- Бирлашманинг ижроия органини тузиш, Бирлашма бошқарув раиси ва бошқарув аъзоларини сайлаш (тайинлаш), уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш масалаларини ҳал қилиш;
- Бирлашма ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва Бирлашма кузатув кенгаши зиммасига юқлатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш. Бирлашма кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан факат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;
- ижроия органига тўланадиган ҳақ ва компенсациялар миқдорларини белгилаш;
- Бирлашма тафтиш комиссияси аъзоларига (тафтишчисига) тўланадиган ҳақ ва компенсация миқдори юзасидан ҳамда аудиторлик ташкилотининг хизматларига тўланадиган ҳақ миқдори чегарасини белгилашга доир тавсиялар бериш;
- акциялар бўйича дивидендлар миқдори ва уларни тўлаш тартиби юзасидан тавсиялар бериш;
- Бирлашманинг захира ва бошқа фондларидан фойдаланиш;
- Бирлашманинг бошқарув органлари фаолият тартибини белгиловчи ҳужжатларни тасдиқлаш;
- Бирлашманинг ваколатхоналарини очиш ҳамда филиалларини ташкил этиш;
- Бирлашманинг шўъба ва тобе корхоналарини ташкил этиш;
- қонунчиликда белгиланган ҳолларда битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;
- Бирлашманинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;
- Бирлашманинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш масалаларини, шунингдек Бирлашма уставига устав фондини акциялар номинал қийматини ошириш йўли билан кўпайтириш билан боғлиқ тегишли үзгартышлар ва қўшимчалар киритиш тұғрисидаги масалаларни ҳал қилиш;
- қонунчиликда белгиланган ҳолларда акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;
- Бирлашма томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тұғрисида қарор қабул қилиш;
- қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тұғрисида қарор қабул қилиш;
- ушбу Устав ва қонунчиликка мувофиқ кузатув кенгаши ваколатларига киритилган бошқа масалаларни ҳам ҳал этиш.

Бирлашма кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалаларни ҳал қилиш, Бирлашма ижроия органига үтказилиши мумкин эмас.

10.3. Бирлашма кузатув кенгашининг аъзолари ушбу Устав ва қонунчиликда назарда тутилган тартибда акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга сайланадилар.

10.4. Бирлашма кузатув кенгаши таркибига сайланган шахсларнинг қайта сайланишлари чекланмайди.

10.5. Бирлашма кузатув кенгашининг миқдор таркиби 5 (беш) аъзодан иборат.

10.6. Бирлашма ижроия органининг аъзолари кузатув кенгашига сайланишлари, тайинланишлари мумкин эмас. Бирлашмада меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар Бирлашманинг кузатув кенгаши аъзолари бўлиши мумкин эмас.

10.7. Кузатув кенгаши таркибига қонунда назарда тутилган тартибда Бирлашманинг акциядорлари ҳисобланмаган шахслар ҳам сайланиши мумкин.

10.8. Бирлашма кузатув кенгаши таркибига сайланадиган шахсларга нисбатан қўйиладиган талаблар “Бирлашма Кузатув кенгаши тўғрисида”ги Низом билан белгиланади.

10.9. Бирлашманинг кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади. Акциядор ўзига тегишли акциялар бўйича овозларни Бирлашма кузатув кенгашининг битта номзодига тўлиқ беришга ёки бир нечта номзод ўртасида тақсимлашга ҳақлидир.

10.10. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар кузатув кенгаши таркибига сайланган деб ҳисобланади.

10.11. Бирлашма кузатув кенгашининг раиси кузатув кенгаши аъзолари томонидан уларнинг ўzlари орасидан кузатув кенгаши аъзолари умумий сонига нисбатан қўпчилик овоз билан сайланади.

10.12. Бирлашма кузатув кенгаши ўз раисини кузатув кенгаши жами аъзоларининг қўпчилик овози билан қайта сайлашга ҳақлидир.

10.13. Бирлашма кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, кузатув кенгаши мажлисларини чакиради ва уларда раислик қилади, мажлисда баённома юритилишини ташкил этади, акциядорлар умумий йиғилишида раислик қилади.

10.14. Бирлашма кузатув кенгашининг раиси йўқлигига унинг вазифасини кузатув кенгаши аъзоларидан бири бажариб туради.

10.15. Бирлашма номидан Бирлашма бошқарув раиси билан тузиладиган шартнома Кузатув кенгаши раиси томонидан имзоланади.

10.16. Бирлашма кузатув кенгашининг мажлиси кузатув кенгашининг раиси томонидан унинг ўз ташаббуси билан, кузатув кенгашининг аъзоси, тафтиш комиссиясининг, Бирлашма ижроия органининг, шунингдек Бирлашма овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига биноан чақирилади.

Бирлашма кузатув кенгашининг мажлисими чакириш ва ўтказиш тартиби мазкур Устав ва “Бирлашма Кузатув кенгаши тўғрисида”ги Низомда белгилаб қўйилади.

Кузатув кенгаши мажлислари ҳар чоракда камида бир маротаба ўтказилади.

10.17. Кузатув кенгаши мажлисими ўтказиш учун кворум кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг етмиш беш фоизидан кам бўлмаслиги керак.

10.18. Овозга қўйилган масалалар бўйича кузатув кенгашининг қарори конун хужжатларида белгиланган тартибда қабул қилинади.

10.19. Бирлашма кузатув кенгаши аъзоларининг сони Бирлашма уставида назарда тутилган миқдорнинг етмиш беш фоизидан кам бўлган тақдирда, Бирлашма кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чакириши шарт. Кузатув кенгашининг қолган аъзолари акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари умумий йиғилишини чакириш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир.

## 11. БИРЛАШМАНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИ

11.1. Бирлашманинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш ваколати коллегиал ижроия орган - Бирлашма Бошқаруви томонидан амалга оширилади. Бошқарув фаолиятига Бирлашма Бошқарув раиси раҳбарлик қилади.

11.2. Бирлашма Бошқарув коллегиал ижроия орган асосидаги ижро этувчи орган ҳисобланиб, унинг кундалик фаолиятини бошқаради ва оператив раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Бирлашма устави, акциядорлар умумий йиғилиши ва Бирлашма Кузатув кенгашининг қарорларига мувофиқ амалга оширади.

11.3. Бошқарув раиси ва Бошқарув аъзолари томонидан ушбу устав ва меҳнат шартномаси шартлари қўпол равища бузилса, ёхуд Бирлашма бизнес-режасининг тасдиқланган қўрсатгичларни бажарилиши бузилган ҳолларда ва уларнинг ҳаракатлари

(харакатсизлиги) натижасида Бирлашмага келтирилган заарлари сабабли улар билан тузилган шартнома Бирлашма Кузатув кенгаши томонидан муддатидан илгари бекор килиниши мумкин.

11.4. Бирлашма Бошқаруви З нафар аъзодан иборат бўлиб, акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатлари ва Бирлашма Кузатув кенгаши ваколатларига киритилган масалалардан ташқари барча масалаларни ҳал қилиш ваколатига эга.

11.5. Бирлашма Бошқаруви таркибига Бошқарув раиси ва унинг қолган аъзолари киради.

11.6. Бирлашма Бошқаруви акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашига ҳисобот беради.

11.7. Бирлашма Бошқарув раиси ва аъзолари Бирлашма Кузатув кенгаши томонидан бир йиллик муддатга сайланади (тайинланади).

11.8. Бошқарув аъзолари ва Бошқарув раиси билан меҳнат шартномаларни Бирлашма номидан Бирлашма Кузатув кенгаши раиси ёки Бирлашма Кузатув кенгаши ваколат берган шахс имзолайди.

11.9. Бирлашма ходимлари мазкур уставга ва амалдаги қонун хужжатларига мувофиқ Бирлашма Бошқарув раиси билан меҳнат шартномасини тузадилар.

11.10. Бирлашма Бошқарувига тўланадиган ҳақ миқдори Бирлашма фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади ва шартномада белгиланган бўлиши керак. Тузиладиган шартноманинг шартлари Бирлашма Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади.

11.11. Бирлашманинг Бошқарув раиси вазифаларини бошқа ташкилотларнинг бошқарув органларидаги лавозим билан биргаликда эгаллаб туришга фақат Бирлашма Кузатув кенгашининг розилиги билан йўл қўйилади.

11.12. Бирлашма Бошқаруви раиси билан тузиладиган шартномада уларнинг Бирлашма фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда Бирлашманинг йиллик бизнес-режасини бажариш қандай бораётганлиги юзасидан акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Бирлашма Кузатув кенгаши олдида берадиган ҳисоботларининг даврийлиги назарда тутилиши керак.

11.13. Бирлашма Бошқаруви акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади.

11.14. Бирлашма Бошқарувининг мажлиси зарур ҳолларда ўтказилади.

11.15. Бирлашма Бошқаруви мажлисида қарорлар мажлисда қатнашаётган Бошқарув аъзоларининг оддий қўпчилик овози билан қабул қилинади. Бошқарув мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Бошқарувнинг ҳар бир аъзоси битта овозга эга. Овозлар teng бўлиб қолган тақдирда Бирлашма Бошқаруви раисининг овози ҳал этувчи ҳисобланади.

11.16. Бирлашма Бошқаруви томонидан қабул қилинган қарорга рози бўлмаган Бошқарув аъзолари ўз фикрларини Бирлашма Кузатув кенгашига билдиришлари мумкин.

11.17. Бошқарув мажлисида баённома юритилади. Бошқарув мажлисининг баённомаси Кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзоларига, шунингдек аудиторга уларнинг талабига кўра берилади.

11.18. Бирлашма Бошқарувининг ваколатларига қўйидагилар киради:

- мазкур устав ва Кузатув кенгаши томонидан ўзига берилган ваколатларга мувофиқ Бирлашманинг ишига самарали ва барқарор ишлашини таъминлаган ҳолда унинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш;
- акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаши қарорларининг бажарилишини ташкил этиш;
- ўз ваколатлари доирасида Бирлашманинг мол –мулки ва пул маблагларини тасарруф этиш;
- ўз ваколати доирасида мол-мулкни сотиб олиш ва мол-мулкни бошқа шахсга ўтказиш билан боғлиқ битимлар (умумий қиймати қарор қабул қилинган санада Бирлашма соғ активларининг 15 фоизигача ташкил этадиган битимлар ёки ўзаро боғлиқ бир қанча битимлар) тузиш (битим тузиш масаласида Бирлашма Бошқаруви яқдиллигига эришилмаган ҳолларда битим тузиш тўғрисидаги масала Бирлашма бошқаруви қарорига мувофиқ Кузатув кенгаши ҳукмига ҳавола этилиши мумкин);

- Бирлашманинг таркибий бўлинмалар тўғрисидаги низомлар, ходимларнинг лавозим йўриқномаларини тасдиқлаш;
- Бирлашманинг ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш, акциядорлар умумий йигилишининг ёки Бирлашма Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно;
- Кузатув кенгашининг розилигига кўра унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этиш;
- Бирлашманинг тижорат сирини ташкил этувчи маълумотлар рўйхатини белгилаш;
- Бирлашма номидан битимлар тузиш (мазкур Устав ва қонунчиликда белгиланган тартибда), Бирлашманинг шўъба хўжалик жамияти ва филиаллари ёки ваколатхонаси раҳбарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш;
- филиал ва шўъба хўжалик жамияти фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаш ва уларнинг бизнес-режаларини ва бажариш тўғрисидаги ҳисботларини тасдиқлаш;
- Бирлашма филиаллари ва шўъба хўжалик жамиятларининг штат жадвалларини тасдиқлаш;
- Бирлашманинг Бошқаруви, қонунчилик, ушбу устав ва Бирлашманинг меъёрий ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларга ҳам эга бўлиши мумкин.

**11.19. Бирлашма Бошқарувининг мажбуриятлари:**

- Бирлашманинг ривожлантириш дастурлари ва бизнес-режалари ишлаб чиқиш, уларни ташкил этиш ва бажарилишини назорат қилиш;
- Бирлашманинг ваколатли бошқарув органи томонидан тасдиқланган бизнес-режада кўрсатилган миқдорларда фойда олишни таъминлаш;
- Бирлашманинг таркибий бўлинмаларининг ўзаро самарали ҳаракатини таъминлаш;
- Бирлашма ходимларининг ижтимоий кафолатларига риоя қилинишини ва улар меҳнатини муҳофаза қилишни таъминлаш;
- ўз ваколатига тегишли ишларнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотни акциядорларнинг умумий йигилишига ва Бирлашма Кузатув кенгашига белгиланган муддатда тақдим этиш;
- Бирлашма акциядорларининг умумий йигилишида қатнашиш, дивидендлар ҳисобланиши ва тўланиши бўйича акциядорларнинг барча ҳуқуқларига риоя қилиш;
- Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ҳамда Бирлашма ички ҳужжатларига риоя қилиш;
- Бирлашманинг Бошқаруви, қонунчилик, ушбу устав ва Бирлашманинг меъёрий ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

**11.20. Бирлашма Бошқарувининг ҳуқуqlари:**

- қонунчиликка, мазкур устав ва меҳнат шартномасига асосан ўзига тегишли ваколатларга мувофиқ, мустақил равишда Бирлашманинг жорий фаолиятида раҳбарлик қилишда туғилган барча саволларни ҳал этиш;
- Бирлашма номидан ишончномасиз иш юритиш ҳамда унинг манфаатларини бошқа ташкилотлар ва органлар олдида химоя қилиш;
- Бирлашманинг Бошқаруви, қонунчилик, ушбу устав ва Бирлашманинг меъёрий ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуqlарга ҳам эга бўлиши мумкин.

**11.21. Бирлашма Бошқарув раисининг ваколатларига қўйидагилар киради:**

- ўзининг ваколатлари доирасида Бирлашманинг ишига раҳбарлик қилиш;
- Бирлашма Кузатув кенгашининг розилигига кўра унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этиш;
- Бирлашма шўъба хўжалик жамиятлари, ваколатхоналари ва филиаллари учун мажбурий бўлган қарор, буйруқ ва фармойишлар чиқариш;
- Бирлашма номидан ишончномасиз иш юритади, давлат муассасалари, барча мулк шаклларидағи корхона ва ташкилотларда унинг манфаатларини химоя қилади;
- банкларда ҳисоб рақамлар, шу жумладан валюта ҳисоб рақамларини очади ва Бирлашманинг банк ва бошқа молия ҳужжатларида биринчи имзо ваколатига эга бўлади;

- ўзининг ваколатлари доирасида, корхона ва ташкилотлар билан шартномалар ва контрактларни имзолайди ва битимлар тузади;
- Бирлашма номидан амалдаги қонунчиликка асосан ишончномаларни беради;
- Бирлашма Бошқаруви раиси, қонунчилик, ушбу устав ва Бирлашманинг меъёрий хужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларга ҳам эга бўлиши мумкин.

11.22. Бирлашма Бошқарув раисининг мажбуриятлари:

- қонунчиликка мувофиқ Бирлашмада бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботининг ташкил этилиши, зарур ҳолати ва ишончлилигини, йиллик ҳисботлар ва бошқа молиявий ҳисботлар тегишли органларга ўз вақтида тақдим этилишини, шунингдек акциядорларга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган Бирлашма фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлаш;
- Бирлашманинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги хужжатлар Бирлашманинг Кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси ёки Бирлашма аудитори талабига кўра тақдим этиш;
- Бирлашманинг тижорат сирини ташкил этувчи ахбортларни сақлаш;
- хизмат ёки тижорат сирини ташкил этувчи ахбортнинг Бирлашма ходимлари томонидан сақланишини таъминлаш;
- Бирлашманинг малакали кадрлар билан таъминлаш, Бирлашма ходимларининг билими, малакаси, тажрибаси ва қобилияtlаридан энг яхши фойдаланиш чораларини кўриш;
- давлат статистика ҳисботи ва бухгалтерия ҳисботини тегишли органларга тўлиқ ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаш;
- Бирлашма Бошқаруви раиси, қонунчилик, ушбу устав ва Бирлашманинг меъёрий хужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

11.23. Бирлашма Бошқарув раисининг ҳуқуқлари:

- Бирлашма ходимларини ишга қабул қиласи, улар билан меҳнат шартномаларини тузади ва бекор қиласи;
- уларга нисбатан интизомий жазо чораларини кўллади, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини сақлаб туришини таъминлайди;
- Бирлашманинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқ ва фармойишлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;
- Бирлашма Бошқаруви раиси, қонунчилик, ушбу устав ва Бирлашманинг меъёрий хужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

11.24. Бирлашма Бошқарув раиси ва аъзолари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Бирлашма манфаатларини кўзлаб иш тутишлари лозим.

11.25. Бирлашма Бошқаруви мазкур устав ва акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган “Ижроия органи тўғрисида”ги Низом асосида иш олиб боради.

## **12. БИРЛАШМА КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ, БИРЛАШМА БОШҚАРУВ РАИСИНИНГ ВА БОШҚАРУВ АЪЗОЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

12.1. Бирлашма кузатув кенгашининг аъзолари, Бирлашма бошқарув раиси ва бошқарув аъзолари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Бирлашманинг манфаатларини кўзлаб иш тутиши лозим ва белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

12.2. Бирлашмага зарап етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган Бирлашма кузатув кенгаши аъзолари, бошқарув раиси ва бошқарув аъзолари жавобгар бўлмайди.

## **13. МИНОРИТАР АКЦИЯДОРЛАР ҚЎМИТАСИ**

13.1 Миноритар акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Бирлашмада уларнинг орасидан 5 та аъзодан иборат таркибда миноритар акциядорларнинг қўмитаси ташкил этилиши мумкин.

13.2. Миноритар акциядорлар қўмитасининг таркибига номзодлар бўйича таклифлар Бирлашмага Бирлашма кузатув кенгашига номзодлар бўйича таклифлар киритиш учун назарда тутилган тартибда ва муддатларда киритилади.

13.3. Миноритар акциядорлар қўмитасининг аъзоларини сайлашда акциядорларнинг умумий йиғилишида ҳозир бўлган ва Бирлашма кузатув кенгашига номзодлар кўрсатмаган ёхуд акциядорларнинг ўтказилаётган умумий йиғилишида кузатув кенгашига номзодлари сайланмаган акциядорлар иштирок этади.

13.4. Миноритар акциядорлар қўмитасининг таркибига Бирлашманинг бошқарув раиси, бошқарув аъзолари, шунингдек Бирлашманинг кузатув кенгашига ва тафтиш комиссиясига сайланган шахслар кириши мумкин эмас.

13.5. Миноритар акциядорлар қўмитасининг ваколатига қўйидагилар киради:

- акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки Бирлашманинг кузатув кенгаши кўриб чиқиши учун киритилаётган йирик битимлар ва аффилланган шахслар билан битимлар тузишга оид масалалар бўйича таклифлар тайёрлашда иштирок этиш;
- миноритар акциядорларнинг ўз хукуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ мурожаатларини қўриб чиқиш;
- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органига миноритар акциядорларнинг хукуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисида мурожаатлар киритиш;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни қўриб чиқиш.

13.6. Миноритар акциядорлар қўмитасининг қарорлари оддий қўпчилик овоз билан қабул қилинади. Миноритар акциядорлар қўмитасининг мажлислари унинг миқдор таркибига сайланган шахсларнинг камидан тўртдан уч қисми ҳозир бўлганда ваколатлидир.

13.7. Миноритар акциядорларнинг қўмитаси қабул қилинган қарорлар тўғрисида ҳар йили акциядорларнинг умумий йиғилишида ҳисбот беради.

13.8. Миноритар акциядорлар қўмитасининг раиси ушбу қўмита таркибидан миноритар акциядорлар қўмитасининг аъзолари томонидан қўпчилик овоз билан сайланади.

13.9. Миноритар акциядорлар қўмитасининг раиси миноритар акциядорлар қўмитасининг ваколат доирасига киритилган барча масалалар бўйича Бирлашманинг ҳужжатларидан фойдаланиш хукуқига эга.

13.10. Миноритар акциядорлар қўмитасининг фаолият кўрсатиши тартиби қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланади.

13.11. Миноритар акциядорлар қўмитаси Бирлашманинг хўжалик фаолиятига аралашибашга ҳақли эмас.

13.12. Миноритар акциядорлар қўмитасининг фаолиятига Бирлашма кузатув кенгашининг ёки ижроия органининг аралашувига йўл қўйилмайди.

## 14. БИРЛАШМА ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

### а) Бирлашманинг тафтиш комиссияси

14.1. Бирлашманинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга тафтиш комиссияси сайланади. Бирлашма тафтиш комиссияси сон таркиби 3 кишидан иборат.

14.2. Бирлашма тафтиш комиссияси аъзоларига доир малака талаблари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланади. Айни бир шахс Бирлашманинг тафтиш комиссияси таркибига кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

14.3. Бирлашма тафтиш комиссиясининг фаолият кўрсатиши тартиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган низомда белгиланади.

14.4. Бирлашма тафтиш комиссиясининг ваколатлари:

- молиявий ҳужжатларни ва бухгалтерия хисоби маълумотларини текшириш;
- бухгалтерия ва статистик хисобларни амалдаги норматив ҳужжатларга муносиблигини тахлил қилиш;
- молиявий-хўжалик ва ишлаб чиқариш фаолиятида ўрнатилган норматив қоидаларга ва давлат стандартларига риоя қилинаётганлигини текшириш;
- Бирлашманинг молиявий аҳволини тахлил қилиш, унинг тўлов қобилиятини, Бирлашманинг иктисодий ҳолати яхшиланишига резервларни таъсирини тахлил қилиш;
- солик инспекциясини, статистик ва бошқа давлат бошқаруви органлари учун тузилган баланс, ҳисбот хужжатларини тўғрилигини текшириш;

- акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорларини тахлил қилиш, қарорлар Бирлашманинг хужжатларига, яъни амалдаги қонун ва қонуности хужжатлар талабларига тўғри келмасликлари аниқланганда таклифлар киритиш;

- Бирлашма бошқарув органлари мансабдор шахслари, Бирлашма ижроия аппарати таркибий бўлинмалари раҳбарлари ва ходимларидан текширув мобайнида пайдо бўладиган масалалар бўйича ёзма тушунтиришлар олиш;

- Бирлашма бошқарув органлари мансабдор шахслари, Бирлашма ижроия аппарати таркибий бўлинмалари раҳбарларига аниқланган қоидабузарликлар юзасидан зудлик билан чоралар кўриш тўғрисида кўрсатмалар бериш, агарда бундай чораларни кўрмаслик қимматликларнинг, хужжатларнинг йўқ бўлишига ёки келгусидаги сущистъмолчилик ҳолатларининг келиб чиқишига сабаб бўлса;

- Бирлашма акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши чакирилишини, Бирлашма кузатув кенгаши мажлислини ўтказилишини Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига белгиланган тартибда талаб қилиш;

- Бирлашма бошқарув органлари мансабдор шахслари, Бирлашма алоҳида бўлинмалари ва Бирлашма ижроия аппарати таркибий бўлинмалари раҳбарларидан Бирлашманинг молиявий ва хўжалик фаолиятини текширилишини ўтказиши учун зарур бўлган хужжатлар ва материалларни сўраб олиш;

- Бирлашма бошқарув органлари мансабдор шахсларига Бирлашма ходимлари, шу жумладан Бирлашма бошқарув органлари мансабдор шахсларига нисбатан агарда улар томонидан Бирлашма Устави ва Бирлашма ички хужжатлари қоидалари бузилган бўлса, интизомий ва моддий жавобгарликка тортиш чораларини кўриш тўғисидаги масаласини кўриб чиқишига киритиш.

14.5. Бирлашма тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида Бирлашма кузатув кенгашининг аъзоси бўлиши, шунингдек Бирлашмада меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлиши мумкин эмас.

14.6. Бирлашманинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш тафтиш комиссиясининг, акциядорлар умумий йиғилишининг, Бирлашма кузатув кенгашининг ташаббусига кўра ёки Бирлашма овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра Бирлашма кузатув кенгашини олдиндан хабардор қилиш йўли билан бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият якунлари бўйича амалга оширилади.

14.7. Бирлашманинг тафтиш комиссияси Бирлашманинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунлари бўйича ҳисбот ва хулоса тузади, бу хулосада:

- Бирлашманинг ҳисботларида ва бошқа молиявий хужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигига доир баҳо;

- бухгалтерия ҳисбини юритиш ва молиявий ҳисботни тақдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек молия-хўжалик фаолияти амалга оширилаётганда қонун хужжатлари бузилганлиги фактлари тўғисидаги ахборот кўрсатилади.

14.8. Бирлашманинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунлари бўйича тафтиш комиссия ҳисбот ва хулоаси акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида эшитилади.

14.9. Тафтиш комиссияси Бирлашмада аффилланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун хужжатларининг ва Бирлашма ички хужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулосани ҳар чорақда Бирлашма кузатув кенгашига ҳисбодордир.

14.11. Бирлашманинг ички аудит хизмати Бирлашманинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари томонидан қонун хужжатларига, Бирлашма уставига ва бошқа хужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисбода ва молиявий ҳисботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек Бирлашмани бошқариш юзасидан қонун хужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш орқали Бирлашманинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари ишини назорат қиласи ҳамда баҳолайди.

## 6) Бирлашманинг ички аудит хизмати

14.10. Бирлашма активларининг баланс қиймати энг кам иш ҳақи миқдорининг юз минг баробаридан кўп бўлганда ички аудит хизмати ташкил этилади. Ички аудит хизмати Бирлашманинг кузатув кенгашига ҳисбодордир.

14.11. Бирлашманинг ички аудит хизмати Бирлашманинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари томонидан қонун хужжатларига, Бирлашма уставига ва бошқа хужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисбода ва молиявий ҳисботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек Бирлашмани бошқариш юзасидан қонун хужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш орқали Бирлашманинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари ишини назорат қиласи ҳамда баҳолайди.

14.12. Бирлашманинг ички аудит хизмати ўз фаолиятини қонун хужжатларида белгиланадиган тартибга мувофиқ амалга оширади.

#### **в) Аудиторлик ташкилоти (ташқи аудитор)**

14.13. Аудиторлик ташкилоти Бирлашма билан тузилган шартномага мувофиқ қонун хужжатларида белгиланган тартибда Бирлашма молия-хўжалик фаолиятининг текширилишини амалга оширади ва унга текшириш якунлари бўйича ҳисобот ҳамда аудиторлик хulosасини тақдим этади.

14.14. Аудиторлик ташкилоти Бирлашманинг молиявий ҳисоботи ва молияга доир бошқа ахборот ҳақидаги нотўғри хulosани ўз ичига олган аудиторлик хulosаси тузилганлиги оқибатида етказилган зарар учун Бирлашма олдида жавобгар бўлади.

### **15. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР**

15.1. Устав бўйича келиб чиқадиган барча низо ва келишмовчиликлар акциядорларнинг ўзаро келишуви йўли билан амалдаги қонун хужжатлари ва ушбу уставга асосан ҳал қилинади.

15.2. Низо ва келишмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал қилиш имконияти бўлмаган тақдирда улар тегишли равишда суд орқали ҳал қилинади.

15.3. Мазкур Устав Бирлашма Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинган вақтдан бошлаб кучга киради.

15.4. Мазкур Уставда назарда тутилмаган масалалар Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида”ги қонуни ва бошқа қонун хужжатлари асосида тартибга солинади.

**“Samarqandpaxtasanoat”  
бошқарув раиси**

**НАВ**

(имзо)

М.ў

**Қ.Хақбердиев**